



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 19 сентябрь, № 193 (8816)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь кунги Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Виталий Савельев, Россия Президенти маслаҳатчиси Игорь Левитин ва «Российские железные дороги» компанияси бошқаруви раиси Олег Белозёровдан иборат делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Россия делегацияси аъзолари давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Жорий йилнинг 26 — 28 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақада самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт соҳасида саноат кооперацияси лойиҳаларини жаддаллаштириш, автомобиль, темир йўл ва авиация йўналишларида шерикликни янада кенгайтириш, юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Муносабат

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга амалга оширган ташириги икки давлат учун ҳам манфаатли бўлган битим ва келишувларга бой бўлди. Ташириг тадбирлари Самарқандда бўлиб ўтиши унинг тарихий аҳамиятини янада ошириб юборди, десак, муболага бўлмайди.

Германия Федератив Республикаси мамлакатимизнинг Европа Иттифоқидagi муҳим ҳамкоридан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида фаол сиёсий мулоқот ўрнатилган ва юқори даражада ривожланган кўп қиррали савдо-иқтисодий алоқалар мавжуд.

Ташириг доирасида ўтказилган музокаралар турли соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, хусусан, янги истиқболли қўшма лойиҳаларга асос солиш, бу давлатдан тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини рағбатлантиришга қаратилгани бежиз эмас. Чунки кейинги даврда Германия ишбилармон доираларининг минтақамизга, хусусан, Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Бунга, аввало, мамлакатимиз иқтисодийнинг жадал ўсиши ва Марказий Осиё етакчилиги ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тора мустақамланиб бораётгани асосий омил бўлмоқда, албатта.

Натижада Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Масалан, ўтган йили 1 млрд. евродан ошди. Жорий йилнинг ўзида иқтисодий тиричилик оқимини кўпайтиришга 800 млн. евродан зиёд тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилди. Ва бундай кўрсаткичлар ўз-ўзидан бўлиб қолаётгани йўқ. Бунинг замирида сўнгги йилларда бизнес ва хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ва давлатимиз раҳбариятининг бу борадаги изчил ва мунтазам саяё-ҳаракатлари муҳим.

Германиянинг етакчи компания ва банклари билан ҳамкорликда машинасозлик, тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, «яшил» энергетика, кимё саноати, ўта муҳим хомашёни ўзлаштириш каби кўплаб йўналишларда қарийб 9 млрд. евролик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш чоралари кўриляпти. Музокаралар давомида транспорт ва логистика, самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш, транспорт харажатларини камайтириш сингари масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ташириг доирасида икки давлат раҳбарлари, Ўзбекистон ва Германия етакчи компания ва банклари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда қўшма инвестиция лойиҳаларини ва савдо шартномаларини жаддаллаштириш масалалари эътибор марказида бўлди. Айни чоғда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг фаол ва амалий иштирокида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.



Марказий Осиё — Германия:

Кўп қиррали алоқаларимиз янада мустақамланади

Президентимиз шу йил 17 сентябрь кунги Остона шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Германия» иккинчи саммитидаги нутқиди Германия Марказий Осиё мамлакатларида олиб борилаётган демократик ўзгаришлар ва иқтисодий-иқтисодий ислохотларни, минтақадаги ҳамкорлик ва интеграцияни қатъий ҳамда ўзгармас қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолаб, ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида кўплаб амалий тақдир ва янги ташаббусларни илгари сурди. Қайд этиш жоизки, бу эзгу мақсадлар кўп қиррали алоқаларни янада кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бу бўйича ўз муносабатини билдирди.

2-саҳифага қаранг. ➔

МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИ МАЪРИФАТЛИ ОНАЛАРСИЗ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Нодирабегим, Увайсий ва Анбар отинлардан мерос бўлиб ўтиб келаётган бир орзу бор. Бу — илм олиш истаги. Буюк момоларимиз орзу қилганидек бугун мамлакатимизда аёллар жамиятининг барча соҳасида ўз иқтидор ва имкониятларини намойён қилмоқда. Ишлаб чиқариш, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Олий Мажлис Сенати Раиси хотин-қизлар вакиласи эканлиги, туманларда аёл ҳокимлар фаолият юритаётгани нафақат

минтақамизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътиборга молик воқеалик.

Бу қувонарли, албатта, аммо аёллар, айниқса, қишлоқлардаги хотин-қизларни ўқитишга жалб этишда ҳали ҳам кўп қийинчиликлар мавжудлиги бор гап.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора МАЪРУФОВА билан суҳбатимиз жамиятда хотин-қизлар мавқеи ва савдоҳонликнинг ўрни хусусида бўлди.

Бизнинг суҳбат

— Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этган, — дейди суҳбатдошимиз. — Кўқон адабий муҳитини олайлик, шоира, тарихчи, мактабдор Дилшоди Барно шундай ёзган: «Менинг суҳбатдошларим ва дугоналарим ақли қизлар ва истеъдодли шоиралар эди. 51 йил давомида мен мактабдорлик қилдим ва йилга ўртача 20 нафардан 30 нафаргача ўқувчиларим бўлиб, 890 нафар қизнинг саводини чиқардим. Булардан деярли тўртдан бир қисми шеъриятга қобилиятли бўлиб, шоира ва ўз даврининг ақли ҳамда доно одамлари эдилар». Анбар отин «Каролар фалсафаси» асарининг тўртта фаслидан биттасини оналарга бағишлайди. Бу асарда она-

ларнинг башарият олдидаги юксак хизмати қуйидагича таърифланади: «Ул она шундоқ онадур, моҳири донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Али ибн Сино ва Улуғбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни... мени ва сени ўз қорнида тўққиз ой кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган гизо-сидан расамат бериб, оламни кўриш қобилиятига давру моҳир қилибдур... Уларга (яъни оналарга) бўлгон эътибор чумолига бўлгон эътибордан ҳам камроқдур». Шоира асар сўнгида умид билан ёзади: «...Ул замонларда аёллар илм таҳсилига муяссар бўладилар. Эл ва давлат ишларида қатнашиб, эр-кақлар билан бир қаторда обрў ва хурматга сазовор бўладилар». Не бахти, бугун шундай кунларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. 2020 йил де-



Кўргазма ТИББИЁТ САНОАТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» марказий кўргазмалар мажмуида «UzMedExpo — 2024» XVI халқаро тиббиёт кўргазмаси очилди.



Унда Ўзбекистон, Германия, Хиндистон, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Латвия, Корея Республикаси, Россия ва Туркиядан 80 дан ортиқ компаниялар қатнашаётир.

Тадбир ташкилотчиси — «International Expo Group» кўргазма компанияси вакиллари сўзларига кўра, ушбу анжуман уч кун давомида соҳа вакиллари учун самарали мулоқот майдонини яратди. Шунингдек, нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки тиббиёт ходимлари учун тизимдаги энг илғор ва замонавий технологиялар билан танишиш имкониятини беради.

Таъкидлаш жоизки, кўргазма экспозициясидан тиббий техника ва асбоб-ускуналар, дори воситалари, замонавий сарф мате-

риаллари, тиббиёт саноатининг инновацион товарлари ва хизматларининг сўнгги ишланмалари ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги стендида етакчи маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотлари ва инновацион ечимларини тақдим этмоқда.

Бугун кўргазма доирасида Латвия инвестициялар ва тараққиёт агентлигининг «Вирусларга қарши дори воситаларининг етакчи ишлаб чиқарувчиси» «Лари-фанс» компаниясининг янги маҳсулотлари мавзусида семинари бўлиб ўтади.

«Халқ сўзи».

Сунъий интеллект ва IT тизимидаги стартап лойиҳалар

Мамлакатимизда ахборот технологиялари жадал ривожлантирилиб, барча соҳага татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида:

■ жорий йилнинг ўтган даврида рақамли хизматлар ҳажми **21 триллион сўм**дан ошди;

■ йил якунида **43 триллион сўм**га етиши кутилмоқда.

Шунингдек, соҳада **367 миллион доллар**лик хизматлар экспорт қилинди.

IT-Парк резидентлари **577 тага** кўпайиб, **2 минг**дан ошди. Уларда ишлаётган ёшлар сони эса **32 минг**га етди.

Бу йил соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, таълим, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш каби соҳаларда **100 дан ортиқ** рақамлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Факт ва рақамлар

МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИ МАЪРИФАТЛИ ОНАЛАРСИЗ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрамидаги нутқида: “Мен ҳурматли ота-оналарга қарата айтмоқчиман: қизларингизни ўқитинг, орзу-умидларини рўёбга чиқаришларида уларга кўмакчи бўлинг! Улуғларимиз айтганларидек, ўғил болани ўқитсак, бир киши саводли бўлади. Қиз болани ўқитсак, бутун оила, бутун жамият билимли бўлади”, деган эди. Бу нима учун айтиляпти? Чунки келгуси авлод аёллари маърифатли бўлсагина, оқил фарзандларни дунёга келтиради. Деңдер тенглик давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.



— Бугун қиз ва ўғил болаларнинг 95 фоиздан ортиғи ўрта таълим олишига эришилди. Гендер тенглик асосий мактабдан умумий мактабга ўтгандан кейин сезилди. 9-синфини тугатгач ҳар уч қиздан бир нафари ўқини тўхтатди. Ўрта мактабдан сўнг бу номуқталик кўзга яққол ташланади. Бу борада эксперт сифатида фикрингиз қандай?

— Тўғри, таълим соҳасида қизлар ва ўғил болаларнинг олий маълумот олиши, имтиёзли ўқишлари бўйича кескин фарқлар бор эди. Лекин аёллар таълим олишини қўллаб-қувватлаш борасида кейинги йилларда қўллаб-қувватлаш борасида имтиёзлар яратилди. Эҳтиёжманд оилалардан бўлган хотин-қизлар учун Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсияномасига асосан давлат олий таълим муассасаларига тест синовлари натижаларига мувофиқ давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, сиртки ва кечки таълимда ўқётган хотин-қизлар шартномаларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш тизими жорий этилди. Мухтож ёлғиз аёллар ва боқувчисини йўқотган қизларни, шунингдек, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”да турувчи хотин-қизларни олий таълимдаги шартнома тўловларини қоплаб бериш тизими яратилди. Давлат ОТМнинг магистратура босқичида ўқётган хотин-қизларнинг шартнома тўловлари қоплаб берилмоқда. Хорижий олий ўқув муассасалари таълим дастурлари бўйича хотин-қизларга ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратиб бориш йўлга қўйилди.

Бирок шунга қарамай, кўп аёлларимиз бу имкониятларни ҳали тўлалигича англаб етгани йўқ. Биласиз, қишлоқларда кўп аёллар уй бекаси. Уларнинг аҳолини яхшилаш учун ижтимоий нафақалар — бола пули, маҳалладан ёрдам пули, ноғиронлиги бор болалар учун алоҳида нафақалар тайинлан-

аёллар ҳоким бўлган туманларга қаранг, улар қўллаб-қувватлаш мақсадлари самарали ҳал этмоқда. Ўз оиласида тинчлик ва осойишталикни сақлашга интилганидек, жамиятда ҳам етакчи сифатида у тинчлик, ўзаро муносабатлар ва манфаатлар мувозанатида интиломоқда.

Бугун жамиятдаги онг ўзгарди. Давлат даражасида қабул қилинган миллий дастур ижтимоий ҳимоя чоралари ва хотин-қизларни янги технологияларни ўрганишга, ривожланишига ёрдам берамоқда. Ҳозир биз қизларни рақамли технологиялар бўйича ўқитишга ҳаракат қилаймиз. Мактабларда янги технологиялар тарғиботида катта аҳамият бериляпти. Энди ҳар бир ота, ҳар бир она, ҳар бир оила аъзоси қизларнинг таълим олишини давом эттиришига кўмаклашиши зарур. Қизларнинг қизиқишдан келиб чиқиб турли тўғрақларга, ўқув курсларига жалб қилиш ва хунарларга ўргатиш оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигининг устувори бўлиши лозим. Шундангина келгуси авлод аёллари иқтисодий мустақил бўлади. Оқил ва салоҳиятли фарзандларни дунёга келтиради.

“Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрамидаги нутқида: “Мен ҳурматли ота-оналарга қарата айтмоқчиман: қизларингизни ўқитинг, орзу-умидларини рўёбга чиқаришларида уларга кўмакчи бўлинг! Улуғларимиз айтганларидек, ўғил болани ўқитсак, бир киши саводли бўлади. Қиз болани ўқитсак, бутун оила, бутун жамият билимли бўлади”, деган эди. Бу нима учун айтиляпти? Чунки келгуси авлод аёллари маърифатли бўлсагина, оқил фарзандларни дунёга келтиради. Деңдер тенглик давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.”

— Президентимиз яна бир муҳим ҳужжат — оилавий-маиший зўравонликка қарши қонунни имзолади. Бу борада қонун қабул қилинишининг ўзи кўп нарсани аниқлади...

— Бугун жамиятни ташвишга солаётган хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг айрим оқич-ойдин ҳолатларига эътибор қаратилиб, оилавий-маиший зўравонликка қарши қонун ҳужжати қабул қилингандан кейин вазият ўзгарди. Аҳолининг онги ўсди. Ҳозир зўравонликка жохиллик, жиноят деб қаралмоқда. Ўзбекчиликда уйдаги гапни кучага чиқариш уят ҳисобланади. Лекин унга зуғум ўтказиш, ҳўрлаш, куч ишлатиш ҳолатларида сукут сақлашдан курашиш керак. Оила, мактаб, маҳаллада қизлар ва ўғил болалар тенг ҳуқуқли экани, инсон қадриятлари ва ҳурматини жойига қўйиш кераклигини ҳар бир инсон тушуниб етиши учун бу қонун қабул қилинди. Нодира, Увайсий, Дилшо-ди Барнодек курашувчан аждоди бор аёллар бахтли яшагача ҳақли.

— Бу муваффақиятлар билан бир қаторда қонунчилигимизда руҳсат этилмаган кўп аёллар эрта никоҳлар ҳам учраб турибди. Ўзбек оила-

— Президентимиз яна бир муҳим ҳужжат — оилавий-маиший зўравонликка қарши қонунни имзолади. Бу борада қонун қабул қилинишининг ўзи кўп нарсани аниқлади... — Бугун жамиятни ташвишга солаётган хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг айрим оқич-ойдин ҳолатларига эътибор қаратилиб, оилавий-маиший зўравонликка қарши қонун ҳужжати қабул қилингандан кейин вазият ўзгарди. Аҳолининг онги ўсди. Ҳозир зўравонликка жохиллик, жиноят деб қаралмоқда. Ўзбекчиликда уйдаги гапни кучага чиқариш уят ҳисобланади. Лекин унга зуғум ўтказиш, ҳўрлаш, куч ишлатиш ҳолатларида сукут сақлашдан курашиш керак. Оила, мактаб, маҳаллада қизлар ва ўғил болалар тенг ҳуқуқли экани, инсон қадриятлари ва ҳурматини жойига қўйиш кераклигини ҳар бир инсон тушуниб етиши учун бу қонун қабул қилинди. Нодира, Увайсий, Дилшо-ди Барнодек курашувчан аждоди бор аёллар бахтли яшагача ҳақли.

— Бу муваффақиятлар билан бир қаторда қонунчилигимизда руҳсат этилмаган кўп аёллар эрта никоҳлар ҳам учраб турибди. Ўзбек оила-

ЛАРИДА ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОЙ РОЛИНИ ОШИРИШ УЧУН ЯНА НИМАЛАР ҚИЛИШ ЗАРУР?

— Қонунчилигимизда никоҳ ёши қизлар учун 18 ёш этиб белгиланган. Ота-оналар ҳою ҳавасларга берилиб, имкон бўрича қизларни тезроқ турмушга беришга ҳаракат қилади. Оилани бўлган унинг таълимига сармоя киритишни тўхта-тади. Кўпроқ қишлоқ жойларда қизлар турмушга чиққан голи тарбияси ва уй юмушлари билан ўралашиб қолмоқда.

Президентимиз янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб, “Наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади” деган голи тарбия сурмоқда. Ҳар бир одамни, ҳар оилани, миллатни таълим, билим қўлқаради деган гаплар шунчаки баланларвоз сўзлар эмас. Маърифатпарвар бобомис Абдулла Авлоний ҳам миллат оналарнинг маърифатли бўлишини истаб: “Тарбияни қимлар қилур? Қайда қилинур?” деган савол келадур. Бу саволга “Биринчи ўй тарбия, бу она вазифасидур. Иккинчиси — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, муаллим, муаллим ва ҳукумат вазифасидур” деб жавоб берсак, бир киши деюрки, “Қайси оналарни айтурсиз, билимсиз боши паҳмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб бериурлар?” деган. Бу сўзларнинг ҳар бири юрагимизга зарбадек урилади.

“Меҳробдан чаён” романида 17 ёшли Раънонинг саводи ҳақида Абдулла Қодирий бундай ёзди: “Раъно Нигор оймнинг тўнғучи, бу йил ўн етти ёшга тўлдурадир. Саводни отасидан ўқуб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб прўграммида бўлган барча дарсларни битирган, масалан: диний қисмдан — “Ҳафтият”, “Қуръон”, “Чаҳор китоб”, “Суфи Оллоёр”, “Маъсала муттақин”, адабиётдан — Навоийнинг барча асарлари, девони Фузулий билан Лайли-Мажнун; Амирий, Фазлий ва шулардек чигатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан — Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил, хусникат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса бир томондан қизларга сабоқ бериб онасига кўмаклаша, иккинчи тарафдан отасидан қофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг “Гулистон”дан дарс оладир ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг баъдига асарларидан алоҳида бир мажмуъа тузиб юрийдир...”

Кўрсатилгани, 17 ёшли Раънонинг саводи унча-мунча олий маълумотли, илмий даражаси бор аёлликдан андан яхши бўлган. Тўғри, аёл ўқиб шахар олиб бермаслиги мумкин, лекин Тўмарисдек гурури, Алпомишдек мард, Жалолиддин сингари халқпарвар, Темур сингари адолатпеша буюк зотларни тарбиялашини унутмаслигимиз лозим.

Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўз навбатида, икки давлат етакчилари парламентлар, ҳукуматлар, Ташкиллар вазирликлари ўртасидаги фаол алоқалари давом эттиришни қўллаб-қувватладилар. Музокараларда мамлакатларимиз худудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқалари ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Кези келганда жорий йилнинг ўзида юртимизга Германиянинг икки федерал ерлари делегациялари ташриф буюргани ҳамда Берлин, Бавария ва Турингия делегациялари ташрифлари кутилаётганини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Ташриф чоғида ўта муҳим ҳошав ва иқлим ўзгариши соҳасида ҳамкорлик бўйича имзоланган келишувлар, шунингдек, 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган Технологик шериклик ва саноат кооперацияси дастури ҳамда икки мамлакат етакчи компанияларининг қатор шартномалари ва битимлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишга йўналтирилгани билан эътиборга молик.

Германия томони Ўзбекистондан малакали меҳнат ресурсларини жалб этишдан манфаатдорлигини билдирди. Меҳнат миграцияси бўйича битим имзоланиши ушбу соҳада шаффоф ва тизимли ҳамкорликни таъминлашда дастуридан бўлади. Айнан бунинг давоми сифатида Ўзбекистонда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва Германияга юбориш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш юзасидан ҳам келишувга эришилди.

Германиянинг юртимиздаги орта қайтмас, чин маънодаги демократик ислохотларни

қўллаб-қувватлаши ҳамда Янги Ўзбекистон стратегиясини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги қатъий интилиши ташриф якунида қабул қилинган Қўшма декларацияда ўз ифодасини топди.

Музокаралар натижасида икки томонлама 8 та ҳужжат имзоланди:

- Миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида ҳукуматлараро битим;
- Ветеринария ва чорвачилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро декларация;
- “Яшил Марказий Осиё” ташаббуси доирасида сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро декларация;
- Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим ана шулар жумласидандир.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг кенг қамровли “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Ва унда биз сўз юритаётган барча соҳага доир вазифалар қамраб олинади.

Умуман, Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг Ўзбекистонга ташрифи тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Шу жараёнда эришилган келишувлар ва имзоланган битимларда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш, яъни бу жараёнда самарали парламент назоратини олиб бориш биз, парламент вакилларида катта масъулият талаб этади.

Равашонбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

Марказий Осиё — Германия:

КЎП ҚИРРАЛИ АЛОҚАЛАРИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Атроф-муҳит муҳофазаси — устувор масала

Моҳира ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Маълумки, Ўзбекистон ўта муҳим ҳошав ресурсларига бой давлат саналади. Шу боис мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида геология соҳасида фойдали қазилмаларнинг янги қонларини очишга ва ҳошавни қайта ишлашга йўналтирилган хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш борасида тизимли ишлар олиб бориломоқда. Зеро, минтақада аниқланган ўта муҳим минераллар ва нодир металл қонларининг рақамли хариталарини яратиш дастурини амалга оширишда Германиянинг техник кўмагини жалб қилишдан мамлакатимиз манфаатдор. Бундай ҳамкорликнинг ишончли ҳуқуқий базасини шакллантириш жуда муҳимдир.

Сўнги йилларда минтақамиз мамлакатларида қуёш, шамол, гидроэнергетика фаол ривожланиб, “яшил” водород лойиҳалари илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилар қаторида “яшил” иқтисодийнинг асоси ҳисобланган қайта тикланувчи энер-

гетикани жадал ривожлантиришда фаол сиёсатни амалга оширяпти. Жорий йил якуни бўйича мазкур экологик тоза электр энергиянинг умумий электр энергияси тизимидаги салмоғининг 15 фоизга етказиш нафақат энергетика, балки минтақанинг ҳам экологик ҳафсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Саммитда давлатимиз раҳбари Энергетика вазирликлари, йирик корпорациялар, операторлар, илмий ташиқлотлар ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг Германия билан Энергетика мулоқотини йўлга қўйишни тақлиф қилдики, буни энг тўғри ва оқилона қарор, деб биламан.

Шунингдек, Германия техник кўмагини жалб қилган ҳолда ҳам углеродли иқтисодиёт соҳасида мутахассислар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс дастурни тайёрлашга қизиқиш билдирди.

Ўзбекистон бугунги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида минтақанинг экологик заиф бўлган худудиди тараққиёт

босқичини ўтаётган давлатдир. Шу сабабли иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш мамлакатимиз учун алоҳида долзарблик касб этади.

Шу маънода, Тошкент шаҳридаги Марказий Осиё университетини негизда атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича қўшма таълим дастурлари ва илмий алмашиқувларни кенгайтириш, шунингдек, Германиянинг сувдан оқилона фойдаланиш технологияларини жорий этиш, суғортиш тизимларини модернизациялаш, биологик хилмахласликни сақлаш, эколог мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш тақлиф этилгани айни мудадо бўлди.

Ушбу саммит платформасида барча соҳа каби экология, атроф-муҳитни муҳофазат қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш йўналишида ҳам минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик Германия давлатининг кенг ва бой тажрибалари асосида янада ривожлантириш минтақанинг экологик ҳафсизлиги барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилади

Гулрўх АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бир неча кун аввал Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Ўзбекистонга ташриф буюрганида, Самарқанддаги учрашуларда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган янги Ўзбекистон имкониятлари, ватандошларимизнинг турли соҳадаги дунё тан олаётган салоҳиятларига алоҳида тўхталиб, “Ўзбекистон Германия учун ҳозир ҳам, яқин келажак учун ҳам жуда муҳим ҳамкор” эканлигини эътироф қилган эди.

Мазкур ташриф доирасида қатор ҳукуматлараро битимлар имзоланиб, икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, шу жумладан, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга келишилди.

Аҳамиятисли, бу каби келишувлар Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масаласини четлаб ўтмаслиги, балки яқил шаклланиб бораётган мазкур минтақа эндиликда қатор мамлакатлар етакчилигида қизиқиш уюғтаётгани ҳар икки давлат раҳбарларининг фикрларида мўжассам бўлган.

Остона саммитида эса Марказий Осиё мамлакатла-

ри ва Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилгани эътиборга молик. Унда сўнги йилларда минтақада юз берган чуси билан барпо этилаётган янги Ўзбекистон имкониятлари, ватандошларимизнинг турли соҳадаги дунё тан олаётган салоҳиятларига алоҳида тўхталиб, “Ўзбекистон Германия учун ҳозир ҳам, яқин келажак учун ҳам жуда муҳим ҳамкор” эканлигини эътироф қилган эди.

Мазкур ташриф доирасида қатор ҳукуматлараро битимлар имзоланиб, икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, шу жумладан, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга келишилди.

Аҳамиятисли, бу каби келишувлар Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масаласини четлаб ўтмаслиги, балки яқил шаклланиб бораётган мазкур минтақа эндиликда қатор мамлакатлар етакчилигида қизиқиш уюғтаётгани ҳар икки давлат раҳбарларининг фикрларида мўжассам бўлган.

Остона саммитида эса Марказий Осиё мамлакатла-

таҳлилий марказлари форумини таъсис этиш ва унинг биринчи учрашувини келгуси йили Хивада ўтказиш зарурлиги оид ташаббуслар илгари сурилди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия ўртасидаги инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, минтақада қўшма лойиҳаларни амалга оширишга Германиянинг етакчи компания ва банклари фаол жалб этиш, “Марказий Осиё ва Германия” инвестор ва тадбиркорлари кенгашини тузиш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш бўйича кўп томонлама ҳукуматлараро битимни қабул қилиш имкониятларини ўрганиш каби эътиборга молик тақлифлар билдирилди.

Саммит кун тартибидан ўрин олган масалалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу каби ташаббусларнинг ижроси ўз натижасини беришига, бундан нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки дунё ҳам-жамияти ҳам манфаатдор бўлишига шубҳа йўқ.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ҚАМЧИЛИКЛАР МАВЖУД

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши фаолияти муҳокамасига бағишланган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.



Унда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши ва ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг бу борада амалга оширган ишлари ҳақидаги ахборотларни эшитилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг етти ойида Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши ташаббуси билан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оши-

риш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган 180 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган. Мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши кураш — давр талаби”, “Очик эшиклар”, “Ҳокимлик тизими коррупциядан холи”, “Тиббиёт соҳаси коррупциядан холи” мавзуларида турли тадбирлар ташкил этилиб, доимий тарзда ижтимоий тармоқлар орқали ва оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилган.

Мажлисида айтилганидек, амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда муайян қамчилик ва хатоларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, коррупция даражасини реитинг баҳолаш натижасига кўра, худудлар ичида паст кўрсаткич айнан Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашида қайд этилган. Айни чоғда очиклик индекси, коррупциянинг тарқалганлик даражаси ҳамда коррупцияни ҳис қилиш кўрсаткичлари бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши зарур.

Жорий йилнинг етти ойида Тошкентда 185 та коррупциявий жиноят содир этилган, 217 нафар мансабдор шахс фирибгарлик, со-

ликларни тўлашдан бўйин товлаш, мол-мулкни талон-торож қилиш, пора бериш ва олиш, мансаб ваколатини суиистемол қилиш, мансаб сохтакорлиги ҳамда бошқа тоифадаги коррупциявий жиноятларни содир этганлик учун жаъобгарликка тортилган.

Тадбир иштирокчилари бундай коррупциявий ҳолатларга маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа давлат органларида ички назоратнинг етарли даражада амалга оширилмаётгани ҳамда ҳудудий давлат идоралари ва ташкилотларда юридик хизмат фаолияти тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлаётганлигини таъкидлашди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан қонунчиликка зид бўлган бундай ҳолатлар ҳудуддаги ҳар бир кенгаш аъзосидан ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш ва уларга чек қўйиш, мавжуд оқибатларнинг сабабларини ҳисобга олиш юзасидан самарали фаолият кўрсатиш муҳим эканлиги ургуланди.

Мажлис якунида Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни яхшилаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Сенат қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Тарих, тарихий хотира, аждодларга ҳурмат — бу миллатни бирлаштирувчи, уни ўз кучига ишонтира олувчи, миллий жипсликни мустақамловчи кучли восита. Чунки тарих олдимизга бизни ўқ илдишларимиз билан тугаштириб турадиган “Ким эдик, ким бўлдик, ким бўламиз?” деган саволни кўндаланг кўяди. Тарихга бўлган эҳтиром аслида миллатнинг яхлитлигига, бирдамлигига эҳтиромни аниқлатади. Тарих кечаги кун кечмиши, аммо жамиятда яратиладиган ягона мақсад мана шу тарих устига қурилади.

Нуктаи назар

Шу маънода, ўтган аср бошларида шаклланиб, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун туркий дунё тарихида чуқур из қолдирган жадидчилик ҳаракатининг тарихий аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш, муштарак тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этадиган маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли фаолиятини, уларнинг ўз қиммати ва аҳамиятини ҳамон йўқотмасдан келаётган бой меросини теран тадқиқ ва тарғиб этиш устувор вазифадир. Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бошқа давлатлар йўқ тарихини бор қилишга ҳаракат қилади. Биз буюк тарихимизни, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга тўлиқ етказиб беролмадик. Улигимизни англаш нуктаи назаридан шундай жойларга эътибор берсак, бунга ҳамма эътибор қаратади”, деган эди.

Ўз моҳияти эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўп тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрафчила ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Муулмон ва туркийларнинг жаҳон тараққиётидан узилиб қолган-

лигини туркий крим-татар халқининг фарзанди Исмоил Ғаспирали (1851 — 1914) биринчи бўлиб тушуниб етди. Ғаспирали бутун турк дунёсидаги жадидчилик ҳаракатининг “ғоявий отаси” ҳисобланади. У Шарқ ва Ғарбни таҷассуб мустамакка бўлган барча мусулмон ҳудудларидаги маорифини ислоҳ қилиш, уларда дунёвий фанларнинг ўқитиш масаласини кўтарди ва 1884 йили Қримдаги Бокчасарой шаҳрида жадид мактабига асос солди. Унинг ғояларини ёйишда “Таржимон” газетасининг хизмати катта бўлди.

Шундай бўлса-да, ушбу ҳаракатни юқори босқичга кўтариш бизнинг миллат вакиллари зиммасига тушганини таъкидлаш лозим. XX аср бошида Махмудхўжа Бехбудий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Бобохон Салимов каби жадидлар зиёлиларнинг бутун бир авлодини тарбиялаш ишини бошлади. Уша йиллари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб “усули жадид” мактаблари очилди.

Жадид раҳбарларидан бири Абдулла Авлоний (1878 — 1934) ўз таржimai ҳолида “Рус — япон уруши Россия ишчилари ва бизнинг ҳам кўзимизни очди. 1905 йил инқилоби туфайли ташкилотимиз сиёсий маслақларга тушуниб, қора халқни оқартмоқ учун газета чиқарилди”, деб айтган. Ҳукумат 1906 йил “Тараққий”,

“Хуршид” газеталарини тўхтатгандан сўнг Авлоний темир йўл ишчилари социал-демократ фиркаси ёрдами билан 1907 йил “Шўҳрат” газетасини чиқарди.

Шарқ мусулмон дунёсида кенг тарқалган ислохотчилик ҳаракати XX аср бошларида келиб Туркистонда ҳам ёйила бошлади. Янги кўчга кира бошлаган жадидчилик ҳаракати ўлкадаги барча соҳа, жумладан, янги адабиёт, публицистика, сиёсат ишлари келажакни белгилаб берди. Давр ушбу йўналишларнинг характерини аниқлаб берган намояндларини ҳам ўртага чиқарди. Мазкур ислохотчилик, яъни жадидчилик билан тарихга кирган ҳаракат жамиятнинг барча соҳасини қамраб олди. Уша давр кенг кўзга ташланган ислохотчиларидан бири Абдурауф Фитрат (1886 — 1938) йигирма йилдан ортиқроқ вақт мобайнида, аввал консерватив фиркага ҳамда маҳаллий мусулмон элитаси урф-одатларига, сўнграқ эса янги ўрнатилган совет ҳокимиятининг қаттиқ догматизмига қарши курашди. Фитратнинг бу қарашлари унинг шу даврларда яратилган ва XX аср боши ўзбек публицистикасининг, драматургиясининг нодир намуналаридан бўлиб қолган “Раҳбари наҳот”, “Оила”, “Бегижон”, “Мавлуд шариф”, “Або Муслим” каби асарларида акс этган эди. Айни пайтда Фитрат янги мактаблар учун дарсликлар ҳам ёзган эди.

“Мухтасар ислом тарихи”, “Ўқу” китоблари бунга яққол далилдор.

1918 йили Тошкентга келган Фитрат ўз атрафига ёшларни йиғиб “Чигатой гурунги”ни ташкил қилган. Бу жамият уч йил фаолият олиб борган бўлишига қарамай нафақат ўзбек тили ва адабиёти, балки умуман, янги ўзбек маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти, тарихни буткул янги, замонавий илм асосида ўрганиши

бошлаб берди. “Чигатой гурунги” ўзбекистон тарихидаги маҳаллий зиёлилар тарафидан тузилган биринчи илмий-тадқиқот жамияти сифатида тарихга кирди. Гурунг аъзолари томонидан қатор илмий рисолалар, айниқса, тил, имло масаласига оид нашрлар эълон қилинди.

Фитрат мазкур асарларида, бир томондан, шу йилларда руй берган сиёсий-ижтимоий масалаларга муносабатини ифодалаган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон олами учун ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ёки муайян тарихий даврда сақланиб қоладиган маънавий ва маърифий қадриятларни тушунтириб берди.

Муस्ताқил Туркистон орзуси Бехбудий ва Авлоний, Ҳамза ва Мунавварқори, Фитрат ва Чўлпон, Қодирий ва Усмон Носир каби минглаб жадид боболаримизни уйғотди. Уларнинг эзу нияти, эзгу сўз ва амаллари халқ озолиги ва саодати йўлида улкан маънавий омил бўлди. Бу орзу маънавият ва маърифат одамни нафақат комилликка, эркин ва фаровон турмушга етакловчи, балки халқни миллий мустақилликка элтвучи беқиёс куч сифа-

тида англаб етиш имконини берди. Шу тариха узоқ ўтмишдан ҳозирги давргача миллий тафаккуримиз негизда шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топган эл-юртимизнинг орзу-умидлари бугунги кунда “Янги Ўзбекистон” тушунчасида жамулжам бўлди. Иродаси, шаҳду шиддати буюк халқимизнинг бундай ёруғ ва ёран орзуси жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш учун юксак марраларга интилаётган халқимизни учинчи Ренессанс ғояси атрафиди янада жипслаштирмоқда.

Жадид маърифатпарварларининг фикрича, миллий ғоя миллатнинг туб, асл эҳтиёжларидан, туриш-турушидан, асрий аъёналаридан, ўзлигидан ва табиийки, имкониятларидан келиб чиқмоғи лозим. Миллий ғоя ўзликни англашда асосий мезон ҳисобланади. Жадид маърифатпарварларимизнинг миллий озолик йўлидаги фаолияти фикримиз далилидир. Биргина жадидчилик ҳаракатининг етук намояндларидан бири М. Бехбудийнинг “Ҳақ олинур, берилмас!” деган даъватида миллий ўзлигини англашнинг бетақдор ифодасини кўриш мумкин.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамохангидир. Шу боис халқимиз озолиги ва Ватанимиз раванга йўлида азиз жонларини фидо қилган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини янги тафаккур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жадидларнинг маънавий мероси ҳар биримизни маънавий уйғоқлик ва оғоҳликка чорлаб, қалбларимизда улуг аждодларимизга хос азму шижоат тўғуларини юксалтиришга ҳизмат қилаётир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объект эву заруратдир”.

Дилшодбек ЎРОҚОВ, тарих фанлари доктори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Замонавий спорт ИНШООТИ

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Қорақўйли маҳалласида замонавий универсал спорт зали фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ҳокими Э. Турдимов, ёшлар, спортчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар вилоятда қад ростлаётган бундай замонавий спорт иншоотлари ёшларнинг жисмонан соғломлиги йўлида мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратишини таъкидлашди. Спорт вазирлиги томонидан инвестиция дастури асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган мазкур универсал ёпиқ спорт иншооти 24x48 м. ўлчамда бўлиб, замонавий талаблар даражасида жиҳозланган.

«Хавфсиз ҳаёт учун бирлашайлик!»

Нукус шаҳрида ўтказилган фестивал аниқ шундай номланди. Кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирларни ўз ичига олган ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат ҳавфсизлиги департаментини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан ҳамкорликда уюштирилди.



Фестивалнинг дастлабки куниди Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, генерал-майор Б. Абдуллаев бошчилигида ёшлар иштирокчида сайёр қабул ташкил этилди. Ушбу жараёнда 70 нафар ёшнинг мурожаатлари тингланлиб, муаммолари ижобий ҳал қилинди. Шу билан бирга, фестивал доирасидаги Жамоат ҳавфсизлиги департаментининг соҳавий хизмат ходимлари фаолиятига оид тақдирлар, кўргазмалар чиқишлар барчада катта таассурот қолдирди. Яқунда ички ишлар ходимлари билан елкама-елка жамоатчилик асосида хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ фаол ёшлар тақдирланди.

Ижод вакиллари форуми

Уфа шаҳрида МДХ ижод ва илм зиёлиларининг XVII форуми бўлиб ўтмоқда.



Бу ҳафта Маданият вазирлиги маълум қилди. Ушбу форум доирасида Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ўринбосари Муроджон Мажидов аъзо давлатлар маданий ҳамкорлик бўйича Кенгаши ҳамда МДХ Гуманитар ҳамкорлик давлатлараро фонди (ГХДФ) бошқарувининг навбатдаги йиғилишида қатнашди. Форумда 2023-2024 йилларда ГХДФ томонидан амалга оширилган ишлар, 2025 — 2027 йилларда Ҳамдўстлик маданий пойтахтлари дастури доирасида маданий пойтахт сифатида эълон қилинадиган шаҳарлар — Лочин, Мегри, Молодечно масаласи, Ҳамдўстлик муқофотларини топириш, Ҳамдўстлик асосий тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот ҳамда бошқа мавзуларда чиқишлар қилинди. Маълумот ўрнида, 17 сентябрда ўз ишини бошлаган форум бугун якунланади.

«Халқ сўзи».

Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги олдидан

ЭЛПАРВАР ШОИРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида мамлакатимизда нафақат туркман, балки барча туркийзабон халқларнинг сеvimли шоири саналган Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан жойларда илмий, адабий, маданий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.



Куни кеча Маъмур академиясида “Махтумқули ижодининг ўзбек адабиёти ва санъатида тугган ўрни” мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидан таъриф буюрган олимлар, адабиёт ва санъат соҳаси вакиллари, шеърят ихлосомандлари, талабалар қатнашди.

Маъруза ва музокараларда буюк туркман шоири Махтумқули ижодининг ўзига хос бадиий хусусиятлари, қардош халқлар адабиёти ва санъатида тугган ўрни ва бошқа ибратли жиҳатлари хусусида мисоллар орқали сўз юритилди.

Анжуман давомида санъаткорлар ижросидаги Махтумқули шеърлари билан айтилган қўшиқлар ва шоир асарларидан иборат китоблар кўргазмаси намойиш этилиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан давом этаётган бундай тадбирлар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Отабек ИСМОИЛОВ, журналист.

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ҒАП

Бойсунга илм излаб келган япон қизи

Япониянинг Осака шаҳридан келган ёш оlima Нацуми Шида, икки йилдирки, Бойсуннинг тоғли Қизилнавр қишлоғида яшайди. Унинг аънавий гиламчилик мавзусини тадқиқ этишида маҳаллий аҳолининг хизмати катта. Самимий, кўнгли очиқ қишлоқ одамлари япон қизидан меҳрини аямайди, илмий изланишларига кўмаклашмоқда.



Қизилнаврнинг гўзал табиати, мусаффо ҳавоси, зилол сувлари қип-қизил тупроғини кўриш учун сайёҳлар тез-тез таъриф буюришади. Айниқса, бу ерда қадимги хунармандчилик ривожланган. Ҳар бир хонадонда ушбу қўл меҳнати махсулидан ҳанузгача фойдаланилди. Нацуми ҳам бежиз ушбу маконни ўзига яқин олмади.

— Бойсуннинг кўплаб қишлоқларида бўлдим, — дейди Нацуми Шида. — Кейин Қизилнаврни танладим. Азалдан тўқима гиламларга қизиққанман. “Бундай гилам тўқийдиган туркий кўчманчилар қимлар?”, “Доим бир манзилдан бошқа жойга кўчиб юриладиган ҳаёт тарзида улар гиламни қай тарзда тўқийшади?” каби саволларга жавобни шу ердан изладим. Очиғи, бу қишлоқ ҳаётига сингиб кетишимни ўзим ҳам тасаввур қилмагандим. Самимий одамлари боис икки йил ичиди ўзбек аёлига айландим-қолдим.

Аслида, қўл меҳнати асосида бирор ашё яратиш барча халқларга хос. Шундай яратувчанлик моҳиятини ўрганиш учун моҳир усталарни тадқиқ этишга ҳара-

кат қиляпман. Илмий ишимда инсоннинг хусусияти буюм тайёрлаш орқали қай тарзда авлод-авлодга ўтиши ва қайта тугилишини Бойсун гиламчилиги мисолида кўрсатиб бермоқчи-ман.

Бу ерда ярим кўчманчилик асосида ҳаёт кечирадиган чорвадорларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишдим. Маҳаллий аҳоли тилида “капа”, “қорауй” деб аталадиган ўтовлар ниҳоятда ажойиб. Хуллас, вазиқларим кўпайди, мақсадим кенгайди. Кўчманчиларнинг кундалик турмушда орттирган, асрлар давомида йўқолмай келаётган билан ва тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб этишини ният қилганман.

Ёш оlima Нацуми Шида олийгоҳда тарих, аспирантурада маданий антропология (этнография) бўйича таҳсил олган. Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтида малака ошириб, яна Бойсунга қайтди.

— Икки йилдан буён биз билан яшаётган Нацуми худди ўз қизимдек бўлиб қолган, — дейди “Қизилнавр” МФЙ фаоли Жамила Хўжақулова. — У рўзгор юмуш-

ларида ҳам кўмакчи, уйга меҳмон келса, дарров дастурхон тўлайди. Пазандалик борасида ҳам ўзбек аёллари билан бемалол бешласа олади. Ўзбек хонадонига келин бўлса, бир оилани эплайди. Ундан ҳазиллашиб, келин бўлиб қишлоғимизда қолганини сўрасак, “Тақдиримда бўлса, ажаб эмас” дейди кулиб. Қишлоқдошларимиз унга Нафиса исмини беришган. Ўзбек тилида тушунмайдиган сўзи йўқ, гапирибда бироз қийналса-да, ўз фикрини, мақсадини бемалол тушунтира олади.

Қишлоқ қайноилари Зулфияр момо ҳамда Ойша момо Нафисага гилам тўқиши, кашта тикиш сирларини ўргатди. Япон қизи бу устозларини ўз яқинидай эъзозлайди.

— Нафисанинг зехнига, сабрбардошига қойил қолмасдан илож йўқ, — дейди Зулфияр момо. — Бир нарсани икки марта таққорлаш шарт эмас. Бирпас қараб турса бас, дарров ўзлаштириб олади. Ҳозир гиламларнинг барча турини мустақил тўқийди. Дастлаб, нисбатан осон бўлгани учун гиламининг “Қоқмагилам” турини

тўқишни ўрганди. Кейин “Ғажаргилам”, “Имом Султонгилам”, “Чумчўқўзгилам” турлари тўқишини ўзлаштирди. Бугун ўзи ўрмак қўйиб, гиламларнинг ҳар қандай турини тўқийди.

— Бир кунни у ёнимга келиб, “Менга қошиқалта тўқишни ўргатинг”, деб қолди. — дея суҳбатга қўшилади Ойша момо. — Эртаси кун эса, уч кунда битадиган ишни бир кунда тайёрлаб олиб келди. Бир кун ўтиб, “Энди менга ўтовуённинг пешона ёпиқини тўқишни ўргатинг”, деди. Ва уни ҳам бинойидай ўзлаштириб олди.

Япон қизидидаги хунар ўрганишига бўлган иштиёқ ва тиришқоқлик ушбу қишлоқ аёлларига ҳам кўчди, десак, муболага бўлмайди. Буни биргина шу қишлоқда яшовчи етти нафар фарзанднинг онаси Фазилат Норбитова мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Нафисанинг шунча олис юртдан келиб илм олиши, хунар ўрганиши таҳсинга лойиқ. Бу мен сингари уй бекаларини ҳам бифарқ қолдирмади, — дейди Ф. Норбитова. — Буни қарангки, Нацумининг онаси 63 ёшда бўлса-да, айна пайтда Японияда психология йўналишида таҳсил олаётган экан. Шунга айтиб, мени руҳланттирди. Илм олишнинг эрта-кечи йўқлигини англадим. Ўтган йили олий таълим муассасасига ҳужжатларимни топшириб, тарих йўналиши бўйича ўқишга кирдим.

Нацуми Шида келажакда Япониянинг этнография музейида ўз фаолиятини давом эттирмоқчи. У ерда ўтов — қорауй ўрнатиш ниятида. Бунинг учун жиҳозларнинг аксариятини ўзи тайёрлаган.

Осмонофар иморатлари тигиз мегаполисдан келган Нацуми учун бу мўъжазгина қишлоқнинг сокин оқшомлари, ярақлаб турувчи юлдузлар, мусаффо тонларнинг қадри ўзгача. Меҳр қўйган қишлоғидан кўнгли узиш осон эмас, албатта. Аммо у яқинда ўз юртига қайтиши керак...

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

ДУНЁНИ МАФТУН ЭТАЁТГАН МЎЪЖИЗАВИЙ САНЪАТ

Мақом санъати, шубҳасиз, ўзбек халқининг муқимий қомуси, содда қилиб айтганда, энциклопедиясидир. Унда халқимизнинг руҳи, қадим тарихи, маънавий дунёси, бадиий фалсафаси мужассам. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Мақом — умумбашарий туйғуларни авж пардаларда тараннум этадиган нодир санъат тури сифатида ҳам биз учун гоёт қадрлидир".

Бинобарин, мумтоз мусиқа санъатининг гулгожи ҳисобланган ўзбек миллий мақоми ўзида мусиқа, шеърят ва рақс санъатини уйғунлаштирган юксак тафаккур маҳсулидир. Инсон эрки ва қадр-қиммати, тинчлик-тотувлик, ҳамжихатлик ва умумбашарий тараққиётнинг унинг бош мавзуси ҳисобланади. Шу боис у неча асрлардан буён бебаҳо маданий мерос сифатида ардоқланиб келинмоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан маданият соҳасига қаратилган юксак эътибор тўғрисида қўйилган қадим қўйди.

Хизмат қилди. Мақомни ўрганиш ва уни ижро этиш масалаларида, энг муҳими, замонавий ижодиётда ҳам турли қарашлар шаклланди.

Тўғри, мақом санъати энгил эмас, мураккаб, у "хос"лар санъати. Унинг оҳанглирида улуғворлик, ажиб гўзаллик бор. Қочирим ва пардаларида яширинган дардни ҳис қилиш, тушуниш учун кишида билим, дид, муқимий савия бўлиши керак. Шунинг учун мақом қадимдан кўча-кўйда айтилмаган. Хонлар саройида, амирлар ҳузурини, маънавияти, маданияти юксак кишилар даврасида ижро қилинган.

Демоқчи бўлганим, мақом — халқ дарду қувончини ўзида мужассамлаган санъат. Биз ҳозирги замон тараққиётида мақомни кенг жорий этиш ҳаракатидамыз. Яъни мақомни бузмаган ҳолда, замонавийлаштириш, янгилаш йўналишлари ва усулларида иш олиб бориш орқали дунёга олиб чиқиш, унинг ривожига янги чўққини забт этиш бизнинг олий мақсад-муддаомизга айланган.

Бадиий дурдона «жавоҳир»лари

Маълумки, ўзбек мумтоз мусиқасида мақом жанри етакчи ўринни эгаллайди. Чунки у мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадиий мукаммаллиги, куй ва шакл тузилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда илмий ва амалий асослари пухта ишлангани билан фарқ қилади. Таъбир жоиз бўлса, мақом мусиқа, шеърят ва рақс санъатлари шодасидан таркиб толган бадиий дурдонадир.

Ўзбекистонда мақом асарлари ва туркумлари — Бухоро "Шашмақом"и, "Хоразм мақомлари" ва "Фарғона-Тошкент мақом йўллари" туркумлари, шунингдек, унинг локал вариантлари — Тошкент ироғи, Қўқон ироғи, Самарқанд ушшоғи, Фарғона "Сурнай мақом йўллари", Хоразм "Дутор мақом туркуми", "Феруз" туркуми ва бошқалардан иборат.

Узоқ йиллар давомидаги эътиборсизлик тўғрисида чанг босиб ётган ушбу беназир санъат давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги тўғрисида юксаклик кўтарилмоқда. Соҳада "Устоз — шогирд" мактаби тиклангани, шу асосда бугун мумтоз санъатимизни чуқур ўрганиш, унинг нозик сир-асрорлари тарғиб этилаётгани ҳар қандай кишини хурсанд қилади.

Миллий мақом санъатининг ўзига хос ижро мактаблари ва аъёнларини раванг топтириш ҳамда халқро нубузини ошириш йўлида меҳнат қилаётган ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланипти. Ҳатто маҳал-

Биласизми, илгари мақомчиларнинг муқим жойи ҳам бўлмаган. Мақом ансамблида 33 та штат мавжуд бўлган, кейин 9 тага тушириб ташланди. Барибир ишладик. Кейинчалик эса 6-7 нафар киши қолган бўлса ҳам мақомдан воз кечмадик. Мақом — менинг санъатим, жону дилим. Бундан кечиб бўладими?! Асло йўқ.

Устоз Баходир Йўлдошев "Инсон касби билан гўзал", дерди. Ўз касбини севмаган инсон, қайси соҳада бўлмасин, муваффақият қозона олмайдми. Шунинг учун, аввало, касбга муҳаббат ва садоқат, сўнгра меҳнат керак.

Мақом мотамсаро куйга чиқарилиб, давлат тадбирлари, байрам тантаналарига яқин йўлатилмаган вақтлар кечагидек эсимда. Ойлик машғулотимиз кесиб ташланган, ҳатто бепул ишлаб юрган пайтларимиз бўлган... Мақом мотам куйи, унинг оҳанглири мунгли эмас. Мақом — бекаму кўст жанр. Унда ўхшаши йўқ нафислик, бошқа ҳеч бир миллат куйларида топиб бўлмайдиган руҳий етуқлик, ҳаловат бор. Шундан бўлса керак, қаерга бормайлик, мақомимизни жон қулоқлари билан тинглашди, давомли олқишлар билан қарши олишди. Ўзингиз бир ўйланг, нега европаликлар ҳам ўзбек мақомига шайдо бўлиб қолишган? Мақомнинг оҳанрабои бор. У мўъжизавий санъат эканига шубҳа йўқ.

Юксак маданият белгиси

Ҳозирги техника тараққиёти таъсирида, инсонни жазавага туширадиган мусикалар оммалашиб бораётган бир даврда мақом санъатини ёшлар онига синдириш, уларда мақом намуналарини тинглаш қўбилиятини шакллантириш жуда муҳим. Чунки бу санъат тингланган кишига маънавий озуқа, руҳий тинчрақлик бахш этади. Шу маънода, юқорида номи келтирилган қарор асосида Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилгани зийли қатламнинг айнаи дилидаги иш бўлди.

Марказ томонидан йиллик режа асосида жойларда, таълим муассасаларида мақом кечалари ўтказиш ва мақом санъати мазмун-моҳиятини ҳамма тушунадиган тарзда тарғиб қилиш савий-ҳаракатлари олиб борилапти. Бундан ташқари, Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан ёшларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақом намуналарини саралаб олиш ва таълим муассасаларида ўқув жараёнида фойдаланиш учун услубий қўлنامа ҳамда мақом алифбоси дарсликларни ишлаб чиқарилаётгани эътиборга молик, албатта.

Буларнинг барчаси қутулган самараларини бериб, мақом санъати ёшлар ўртасида ҳам оммалашиб борапти, унга нисбатан муҳаббат ошмоқда. Бунга мақом кечалари ёш авлод вакиллари ҳисобига гавжумлашиб бораётгани мисолида гувоҳ бўлишимиз.

Мақом санъатини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида янги лойиҳага қўл урганмиз. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳамда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли ҳамкорлигида "Янги Ўзбекистонда миллий мақом Ренессанси аъёнлари" номи маърифий тадбир ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбир дастлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида уюштирилиб, сўнгра бошқа олий ўқув юртлари, йирик корхона ва ташкилотларда давом эттирилмақда.

Тадбирларда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли жамоаси томонидан мақом санъатининг нодир намуналари ижро қилиниб, миллий қолчулғулар томонидан мусиқий композициялар тақдим этиляпти. Қувонарлиси, жонли ижродаги ҳар бир асар профессор ўқитувчилар ва талабалар томонидан давомли қарсақлар билан қарши олинляпти, жўр бўлиб қуйилганяпти. Айниқса, Ўзбекистон Миллий университетидаги учрашувимиз ўзига хос мақом байрамига айланиб кетди. Ёш йигит-қизларнинг мақом санъатига ошуфталиги, университет раҳбариятининг санъат аҳлига алоҳида эътибори биз, ижодкорларга катта куч, рағбат, илҳом берди. Бу мақом санъати ёшларнинг қалбига кириб бораётгани, уларга маънавий-руҳий озуқа бераётганининг ёрқин исботи эмасми, ахир?!

Янги Ўзбекистонда мақомчиларнинг орзулари ушадди, елкасига офтоб теғди. Бунинг учун асл санъатни ривожлантириш, чинакам истеъодларни юзага чиқаришга қаратаётган ушбу эътибори учун Юртбошимизга раҳмат айтганимиз.

Абдуҳомид ИСМОИЛОВ,
Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Йиллар, йўллар ва манзиллар»

Ушбу рисола Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Физиология илмий-тадқиқот маркази директори, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, Жаҳон физиологлари жамияти академиги, олий таълим аълоҳиси Бақриддин Зариповнинг охириги йилларда матбуотда эълон қилинган публицистик мақолалари, фикр-мулоҳаза ва ўй-қарашларидан таркиб толган.

Китобга жамланган мақолаларда бугунги даврнинг долзарб мавзулари, илм-маърифат соҳаси олдида турган устувор вазибалар, таълим-тарбияга доир масалалар очикланган. Шунингдек, олим мамлакат тараққиётига оид муҳим масалаларни таҳлил қилиш билан бирга, уларнинг ечими юзасидан ҳам амалий тақлифлар келтирган.

Кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола этилаётган ушбу рисоланинг ҳар бир сўзи, сатрида Ватанга муҳаббат, мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу ислохотларга дахлдорлик туйғусини сезиш мумкин. Китобни мутолаа қилиш жараёнида бунга амин бўласиз.



БАҚРИДИДН ЗАРИПОВ

ЙИЛЛАР, ЙЎЛЛАР ВА МАНЗИЛЛАР

«Сиёсатшунослик»

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, сиёсий фанлар доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоев томонидан олий ўқув юртлари талабаларига дарслик сифатида тақдим этилган мазкур китоб ўзида сиёсатшунослик фанига доир турли билимлар ва масалаларни мужассамлаштирган.

Шунингдек, унда ривожланган мамлакатларда шаклланган сиёсий назариялар, жараёнлар ва муносабатлар атрофида таҳлил қилинган, миллий тажрибалар билан қиёсланган.


Айниқса, унда талабаларнинг юртимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнилари, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш ислохотларига оид билимларни эгаллашда билиш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг сиёсий фанлар назариялари ва тушунарларини ўзлаштириш учун қулай имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзига хос мазмун-мундарижага эга, 7 бўлимдан ташкил топган ушбу дарслик бутунлай аъёнани сиёсий назарий ишланмалардан иборат эмас, албатта. Унда иқтисодий-сиёсий фанларнинг шакллантиришга ҳисса қўшган мумтоз олимларнинг асарларига ҳозирги давр нуқтаи назаридан муножабат қилинган, сиёсат тушунарларини талқин этишга фуқаролик жамияти қуриш талабларидан ёндашилган, янги мавзулар ҳам киритилган.

Аминмизки, ушбу китоб олий таълим муассасалари талабалари ва кенг китобхонлар оммаси учун фойдали бўлади.



Мусиқимиз Қирғизбоев СИЁСАТШУНОСЛИК



СОКИН ДАРЁ МАВЖЛАРИ

«Сокин дарё мавжлари»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли журналист Хусан Эрматовнинг ушбу тўпلامи кейинги йилларда ёзилган бир қатор публицистик мақолалар, маънавий-маърифий мавзудаги суҳбат, эссе ва қатрлардан таркиб толган.

Мазкур тўпламда шиддатли ахборот замонида матбуотнинг қандай нафас олаётгани, қайси жиҳатлар соҳа ривожига тўсиқ бўлаётгани, умуман, матбуотга муносабат ҳамда соҳа мутасаддиларининг олдида турган вазибалар ҳақида мулоҳаза юритилган.

Шубҳасиз, ушбу йўналишдаги ҳар бир мақолада илгари сурилаган фикрлар матбуотнинг бугунги сиёсий даврда яшаб кетиши, келажагини қандай қуриши билан боғлиқ бўлган жиддий масалаларга бағишлангани муҳим аҳамият касб этади.

Тўплам ўқувчилар меҳрини қозонишига ишонимиз.

«Халқ сўзи».



Танлов иштирокчиларининг чиқишлари 7 кишидан иборат халқро ҳакамлар ҳайъати томонидан икки йўналиш — профессионал (классик) даражадаги халқ мусиқаси ва кўшиқ йўналиши ҳамда замонавий мусиқа ва кўшиқ йўналиши бўйича баҳоланди. Халқро ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, "Шарқ тароналари" XIII халқро мусиқа фестивалининг бош соврини — Гран-при Озарбайжоннинг "Семур" муқом ансамблига лойиқ қўрилди.

Мусиқий тараққиётнинг юксак чўққиси

Тарихдан маълумки, мақомлар жуда қадим замонларда Яқин ва Урта Шарқ халқлари мусиқа маданиятида пайдо бўлган. Дастлаб етук созанда ва хонандалар томонидан яратилиб, IX-X асрларда янги восталар билан бойитилган. Бугунги кунда ўндан ортқ мамлакатлар ўз мақомига эга бўлиб, бунга Хиндистоннинг "Рага", Покистоннинг "Кавали", Эроннинг "Дастгоҳ", Жазирининг "Нуга", Озарбайжоннинг "Муғом", арабларнинг "Мақом", уйғурларнинг "Муқом" ва албатта, ўзимизнинг мақомимизни келтириш мумкин.

“Мақом — бекаму кўст жанр. Унда ўхшаши йўқ нафислик, бошқа ҳеч бир миллат куйларида топиб бўлмайдиган руҳий етуқлик, ҳаловат бор. Шундан бўлса керак, қаерга бормайлик, мақомимизни жон қулоқлари билан тинглашди, давомли олқишлар билан қарши олишди. Ўзингиз бир ўйланг, нега европаликлар ҳам ўзбек мақомига шайдо бўлиб қолишган? Мақомнинг оҳанрабои бор. У мўъжизавий санъат эканига шубҳа йўқ.”

Мақом санъати мусулмон Шарқда, айниқса, биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида жадал ривожланиб, ўзининг юксак чўққисига кўтарилган. Хусусан, X асрнинг биринчи ярмида Шарқда "Муаллим сонини" номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий ўзининг "Катта мусиқа китоби"да мусиқа санъатининг назарий ва амалий мезонларини уд сози орқали мукамал тартибга келтирган.

Буюк мутафаккир Муҳаммад Хоразмий "Илмлар қалити" китобининг мусиқага бағишланган қисмида ўша даврдаги мусиқа қолчулғулари ҳақида аниқ маълумотлар беради. Шунингдек, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимиз адабий меросини ҳам мақом санъатидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу буюк мутафаккирлар ноёб мусиқий асарлар яратиб, мақом ривожига беқиёс хисса қўшган.

XX асрда бу аъёнларни Абдурауф Фитрат, Виктор Успенский, Юнус Ражабий каби санъатшунос олимлар, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Турғун Алиматов, Берта Давидова, Фаттохон Мамадалиев, Ориф Алимхусов, Маҳмуджон Тожибов сингари фидойи устозлар муносиб давом эттиришди.

XXI асрда келиб мақомлар, хусусан, шашмақом ижрочилиги турли муносабатлар таъсирида ривожлана бошлади. Бу, албатта, мақомларнинг кенг қўламда раванг топшишга

лий ва хорижий гастроль сафарларини ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Бундай имконият, табиийки, халқимизнинг мақом санъатига бўлган ҳурматига муносиб бўлиш, улар орзиқиб кутаётган янги-янги "жавоҳир"ларни яратишга ундайди.

Эътибор — улкан натижалар пойдевори

Чет эллик санъаткорлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар билан суҳбатлашганимизда улар миллий санъатимиз ривожига эришилаётган ютуқларни Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, санъатга бўлган алоҳида эътибор ва соҳа фидойиларига ғамхўрликнинг меваси сифатида баҳолашмоқда.

Чиндан ҳам шундай. Кўп йиллик меҳнат фаолиятим мисолида айтсам, санъат ва маданиятга бундай эътиборни ҳали қурмагандим. Барча эзгу ташаббуслар учун Президентимизга миннатдорлик билдираман.

1974 йилда мақом ансамблига келганман. Қаранг, бу йил шу ижодий жамоага қўшилганимга 50 йил тўлибди — ярим аср! Аввалги давр билан ҳозиргисини таққослайдиган бўлсам, ер билан осмонча фарқ бор. Айниқса, охириги етти йил давомидаги ибратли ишларни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Мамлакатимиз делегацияси Венада уюштирилган Халқро атом энергияси агентлигининг Бош конференцияси 68-сессиясида иштирок этди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг муҳаббат берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳис — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.25 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

